



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2011-yil, 18-avgust. Payshanba • 97 (31.373) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, аини пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Ўзбекистон тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борада ҳам тарихий ютуқларни қўлга киритди.



Миллий тараққиёт йўлининг

юксак самаралари

■ Юртимизда байрамона руҳ ҳукм сураётган шу кунларда мамлакатимизнинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлига яна бир бор назар ташлаймиз, ўзимизга савол берамиз: ким эдигу ким бўлдик?

Давлатимиз раҳбари йилгирма йил аввал иқтисодий ислохотлар йўлини танлашда турли Ғарб илмий концепцияларини, ривожланган давлатлар таърибларини тўғридан-тўғри кўчириш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу орқали тамомла янги иқтисодий муносабатларга, турли мулкчилик шаклларига асосланган иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Фундаментал, назарий жиҳатдан чуқур асосланган ва пухта ўйланган беш тамойилга асосланган ва бугун ҳаёнда ривожланишнинг «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ва катта қизиқиш билан ўрганилаётган миллий иқтисодий тараққиёт йўлимиз ўзини тўла оқлади.

Уш пайтда қабул қилинган қарорларнинг нечоғли тўғри ва асосли эканлигини истиқлол йилларида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятлар, иқтисодийнинг жадал ўсиши яққол кўрсатиб турибди. Чунки Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни «шок терапияси» асосида эмас, босқичма-босқич, изчил, узоқ муддатли стратегик йўлни танлаган ҳолда амалга оширди.

Кенгаина мамлакатимиз тараққиёт йўлига ва келажакга, Ўзбекистон мустақил демократик давлат кура олишига гўмон билан қараган мамлакатлар, халқлар молиявий ва иқтисодий ташиқлотлар, сиёсатчилар бугун Ўзбекистон таърибларини ўрганмоқда ва халқаро миқёсда кенг эътироф этмоқда. Мустақил тараққиёт йўлимизнинг тўғри ва асосли экани кўплаб хорижий олимлар тадқиқотлари натижаларида ўз исботини топмоқда.

Пойтахтимизда кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини ўрганишга бағишлаб ўтказилган қатор халқаро илмий-амалий анжуманларда ҳам аини шу жиҳатлар ўз ифодасини топди. Уларда иштирок этган хорижий иқтисодчи олимлар, экспертлар Ўзбекистон таърибларини чуқур ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Жумладан, шу йилнинг апрель ойида «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг қирққа яқин давлатидан 200 нафардан зиёд олимлар, экспертлар ва жамоат арбоблари, бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг вакиллари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: устувор вазифалар



Демократик ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч

■ Тараққиёт йўлидаги давлатда муайян босқичдан сўнг мамлакат ҳаётида янги давр бошланади. Босиб ўтилган йўл таҳлил этилиб, ривожланишнинг истиқболдаги муҳим йўналишлари белгилаб олинади. Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ана шу табиий эҳтиёж туфайли вужудга келган, ниҳоятда пухта ўйланган тарихий ҳужжатдир. Бугун Концепцияда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётимизда ўз ифодасини топапти.

Шу йилнинг 15 июлида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Бош вазирнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни

либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат

дастури ижросининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини эшитгани ва муҳокама қилгани нафақат Концепция ижросини таъминлашда, балки мамлакат ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика Кенгаши томонидан Беруний туманида ўтказилган давра суҳбатда бу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Бош вазир ҳисоботи юзасидан парламент палаталари қабул қилган Қўшма Қарорда ҳукуматнинг бозор ислохотлари ва мамлакатини модернизациялаш йўлида янада илдам одимлаш борасида қилинган ишларига ҳолис

ва қатъий баҳо берилгани таъкидланди. Қорақалпоғистон республика партия Кенгаши аъзолари, Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, фаоллар Олий Мажлис палаталарининг Бош вазир ҳисоботи ҳақидаги Қўшма Қароридан келиб чиқиб, партия ташкилотлари олдидан турган муҳим вазифаларни муҳокама этишди. Бу борадаги партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорини изчил бажариш бўйича фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Ўзбекистон ўзининг бой маданияти билан дунёга машҳур. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан бун «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг қадимий ва навқирон, буюк мутафаккирлар ватани — Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас.

Мазкур фестиваль Ўзбекистонда Шарқ оламига, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳамда уларнинг маданий ва илмий аъналарини, урф-одатларини асраб-авайлашга қаратилаётган улкан эътибордан далолатдир.

Мамлакатингизда тарихий обидалар ва муқаддас ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда таълим дастурларини ривожлантириш, кўплаб илмий марказлар ва таълим муассасаларини ташкил этиш орқали илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантиришга эришилаётгани диққатга сазовор. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатингизда буюк мутафаккирларнинг тарихий асар ва қўлёзмаларини сақлашга, Ўзбекистон халқининг миллий мерос, аънава ва урф-одатларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Файсал Хареб ИЙСА, (Бирлашган Араб Амирликларининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили).

НАВОИЙ:

Улкан имкониятлар макони

ЎЗИМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Халқимиз маърифатни қадрлайди. Зарафшон воҳасидаги йирик вилоятнинг улуғ мутафаккири Алишер Навоий номи билан атилиши ҳам шундан далолатдир. Дарвоқе, бу вилоят истиқлол даракчиси, десак, хато бўлмайдими. Биласиз, у 1982 йили ташкил топган. «Ўзбеклар иши» деган қатағон гирдобиди, 1988 йили



тутатиб юборилди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қайта тикланди.

(Давоми 3-бетда.)

Истиқлол имкониятлари



■ Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бунга Термиз шаҳрида ишга туширилган «Сардорбек-Сурхон» кўп тармоқли корхонасининг замонавий хусусий клиникаси яққол мисол бўла олади.

Замонавий хусусий клиника

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилган мазкур хусусий клиника замонавий жаррохлик, умумий терапия, физиотерапия, ультратовуш текшируви ва ташхис ускуналари билан таъминланди. Бу ерда беморларга ўттиз нафар олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. Сурхондарё вилояти соғ-

лиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, воҳада 80 га яқин нодавлат тиббиёт муассасаси мавжуд. Аини пайтда хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига стоматология, умумий терапия, жаррохлик, ультратовуш текшируви каби йўналишларда хизмат кўрсатаётган. Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

Эскича ёндашув, эскича дунёқараш

ёки айрим сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ўз вазифаси ва бурчига бепарволиги қачонгача давом этади?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: устувор вазифалар

Демократик ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч

— Тараққий топган мамлакатларда сиёсий партиялар демократик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади, — деди **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши раиси вазиқасини бажарувчи Қувватбай Қурбанбаев**. — Конституциямизга киритилган янги меъёрларга мувофиқ, қатор демократик тамойиллар ҳаётимизга жорий этилмоқда. Биргина ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратининг кучайтирилиши давлат ҳокимияти субъектларининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш-нинг самарали механизмини яратди. Энди биз янги имкониятлардан фойдаланиб, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, ижтимоий масалаларни жойларнинг ўзида ҳал этилишига таъсирини кучайтиришимиз зарур.

Бугун партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришининг устувор вазифаларига қаратилган аниқ тақлиф ва ташаббуслар билан чиқши давр талабига айланди. 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг сўзсиз бажарилиши, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласига ҳам янгича ёндашув зарур.

— Бош вазирнинг ҳисоботи бўйича қабул қилинган Олий Мажлис палаталарининг Қўшма Қарориди кўзда тутилган асосий вазифаларнинг амалга оширилиши **ЎзХДП** электорати манфаати билан бевосита боғлиқ, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Жўрақузи Кўлдошев**. — Шу сабаб долзарб ижтимоий масалаларни ҳал қилишда **ЎзХДП** кўйи ташкилотлари янада фаол иштирок этиши зарур.

Масалан, бозор иқтисодий ислохотлари ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳозирча Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қўйилган талабларга жавоб бермаслиги, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури белгиланган муддатлардан жиддий равишда орқада қолиб амалга оширилаётганига нега биз муносабат билдирмаслигимиз керак? Бундай масалаларни, аввало, жойларнинг ўзида муҳокама этиш ва мақбул ечимларини топиш, бунинг учун депутатлик гуруҳларимиз жон қуйдириши, қарорлар ижросини талаб этиши, масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйиши зарур эмасми?

— Олдимизда турган вазифаларни изчил бажаришда бошланғич ташкилотлар ва депутатлик гуруҳларининг

ҳамкорлигини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга, — деди **ЎзХДП Беруний туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Халилла Ешимбетов**. — Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи партия Сайловоди Дастурига асосан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг муҳими масалаларини ўрганиш, уни тегишли доимий комиссиялар ҳамда сессияларда кўриб чиқиш бўйича зарур ишлар қилмоқда.

Депутатлик гуруҳи мажлисида депутатларнинг сайлов округларида бандлик дастурининг бажарилишини назорат қилиш масаласи муҳокама этилиб, ҳар бир депутатнинг вазифаси аниқ белгилаб олинган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Н.Матякубова, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари З.Артиков, А.Юлдашев иштирокида ўтган мажлис қарорига асосан энди бу масала туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш учун тайёрланмоқда.

Микромолиявий хизматлардан фойдаланиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ҳам муайян режа ишлаб чиқиди. Унга биноан ҳар бир маҳаллада депутатларимиз оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари очиб истиқболлари, маҳаллада бандлик дастури ижроси мониторинги, касаначиликни кенг йўлга қўйиш борасидаги ишларни доимий равишда ўрга-

ниб боради. Унинг натижаларини доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига киритиб бориш кўзда тутилган. Шу орқали маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини кучайтиришга таъсир кўрсатиш мумкин, албатта...

Тадбирда, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиямиз фаоллари сўзга чиқиб, касб-ҳунар коллежаларини битирган ўғил-қизларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш устидан назоратни ошириш, аҳоли ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтириш борасида фуқаролик институтлари, аввало, ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини изчиллаштириш ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган, энг аввало, истеъмол товарларини четдан олиб келишни камайитириш учун маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қонунларни амалга ошириш бўйича ёндашувлар, уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини тубдан ўзгартириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари маъруз йўналишида олиб бориш лозим бўлган ишларни ўзаро ҳамкорлик асосида сифат жиҳатидан юксалтиришга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Баҳо-мунозара ва савол-жавоблар асосида ўтган ийғилиш сўнгида Олий Мажлис палаталари Қўшма Қарори ҳамда партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори қабул қилинди** ва уни бажаришга йўналтирилган тадбирлар режаси тасдиқланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Беҳрөд ШУКУРОВ

Миллий тараққиёт йўлининг

ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Концепцияда илгари сурилган давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштиришга доир янги, долзарб вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шак-шубҳасиз, миллий иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳондаги илғор демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим омили бўлиши алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Нью-Йорк давлат университетининг профессори П.Морвидж шундай деди: «**Хориз дунёнинг кўлаб давлатлари иқтисодий муммоаларга дуч келаётган бир пайтда, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий ўсиш ва тараққиёт моделига айланди. ...Мен Ўзбекистон тажрибасини дипломатик йўллар орқали дунёнинг бошқа давлатларига тарқатишни тавсия қиламан.**»

Жорий йил июль ойида юртимизда амалга оширилаётган бозор ислохотлари ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан яқиндан танишган Жаҳон банкнинг катта вице-президенти ва бош иқтисодчиси Жастин Лин Ўзбекистонда яқин келажақда дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ҳақли равишда жой олишини эътироф этди.

Дарҳақиқат, ўтган тарихан кичка вақт ичида мамлакатимизда миллий ривожланиш модели таъминланган асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантиришга эришилди. Иқтисодиёт таркибида ва аҳоли турмуш даражасида туб ўзгаришлар содир бўлди. Жамиятимиз, иқтисодиётимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Шу ўринда, бозор ислохотларининг дастлабки йилларида ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли турмуш даражаси кескин тушиб кетишининг олдини олишга эришиш борасидаги ишлар осон бўлмаганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз 1996 йилда МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб иқтисодий ўсишга эришди ва бу юксалиш кейинги йилларда ҳам юқори суръатда давом этди. Юртимизда 2010 йили 1991 йилга нисбатан энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичига эришилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим давлатларда ҳамон ялпи ички маҳсулот ҳажми 1991 йилдаги даражага етгани йўқ, Бунга Украина, Тожикистон ва Молдова мисол бўла олади.

1997-2003 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш суръатлари йилга ўртача 4,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йилдан бошлаб барқарор ўсиш суръатлари ҳар йили 7-9,5 фоизни ташкил этмоқда. 2010 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,5 фоизни, жорий йилнинг 6 ойида эса 8 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимизда ички талабга мос келадиган, жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаш қаратилган ташқи савдо-иқтисодий таъминланган диган иқтисодиёт таркибининг таъминлаштириб берилаётгани илчил юқори иқтисодий ўсиш ва барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ҳамда хошмашини қайта ишлайдиган тармоқлар улашнинг ошиши, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ташқи бозорларда рақобатбардор тармоқларни ривожлантириш ҳисобидан ана шундай барқарор юқори суръатларга эришилаётир.

Бу жараёнда хоржиий инвестициялар жалб қилиш бўйича чуқур ўйланган сиёсатни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, янги экспортга йўналтирилган тармок ва ишлаб чиқариш субъектларини ташкил қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ўз самараларини бермоқда. Айтиш жоизки 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга сал-

бий таъсирининг олдини олиш ва унинг оқибатларини юмшатишда муҳим омили бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури асосида глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари бартараф этилди. Мамлакатимиз банк-молия тизими, молиявий-иқтисодий, бюджет, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуқсиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базаси мавжудлиги ушбу инқироз таъсирининг олдини олишда муҳим омили бўлди.

Ўзбекистоннинг инқирознинг олдини олиш стратегияси дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» рисоласи халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди ва чуқур ўрганилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида МДХнинг қатор давлатларида иқтисодий ўсиш суръатлари 7 фоиздан 15 фоизгача тушиб кетган бир пайтда, юртимизда аввалги йиллардаги юқори ўсиш суръатлари сақлаб қолинди. Бу юксалишнинг рақамлардаги ифодаси қуйидагичадир — 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоиз.

Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ўтган даврда иқтисодиёт таркиби ва аҳоли турмуш даражаси кескин юксалди. Иқтисодий ривожланиш даражасининг умумий кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулот 3,4 баробар ошди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробар, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробар кўпайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати мустақилликнинг дастлабки йилларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга, унинг иқтисодиётдаги мавқеи ва улашини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганидир.

Миллий иқтисодиётимизда кичик бизнеснинг улуши 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган, 2010 йилда эса салкам 52,5 фоизга етганлигининг ўзи тарихан кичка даврда иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилган чуқур институционал ўзгаришларнинг самараларидандир.

Истиқлол йилларида иқтисодиётнинг барча тармоқлари юқори суръатда ўсмокда. Агар мустақилликнинг дастлабки даврида — 1991-2005 йилларда санаот ишлаб чиқариш ҳамми 176 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги 5 йилда ҳам деярли шунча — 165 фоиз ошди. Санаотнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 14,4 фоиздан 2010 йилда 24 фоизга кўтарилди.

Сир эмас, истиқлолга иқтисодиётимиз асосан собик иттифок республикаларини хошмашин ресурслари билан таъминлашга йўналтирилган эди. Истеъмош товарларининг асосий қисминини ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигига қарамадан, уларнинг ақсарияти импорт қилинарди.

Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг аниқ стратегияси ишлаб чиқилиб, соҳани диверсификация қилиш, пахта яккахохимлигига барҳам бериш, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқаришнинг озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, биринчи навбатда, фалга мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилди. Тарихан қисқа муддатда бу вазифа тўлиқ амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси ҳамда кўрсаткичларида содир бўлган бундай юксалиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ўз самараларини бермоқда. Айтиш жоизки 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга сал-

Авазбек СОДИҚОВ, иқтисод фанлари доктори. (Ўза)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эскича ёндашув, эскича дунёқараш

ёки айрим сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ўз вазифаси ва бурчига бепарволиги қачонгача давом этади?

■ Маълумки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини қўзғалган мақсад — янги иш ўринлари ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашдан иборат.

Маъзур дастур ижроси айни пайтда, Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган устувор вазифаларни бажариш бўйича бугун Самарқанд вилоятида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Бино хусусийлаштирилган, улар очик жойда ишлашга мажбур бўлмоқда. — Мехнатимиз қонуний муҳофаза қилинишини биз ҳам хоҳлаёмиз, — дейди қосиб Раҳматулло Норқулов. — Агар тадбиркорлик рўйхатидан ўтсак, бизга меҳнат дафтарчаси юритилади, энг муҳими, ишлашимиз учун қўлай шароит юзага келади. — 30 нафар аъзосим бор, — дейди туман маиший хизмат уюшмаси инспектори Клара Сиддиқова. — Кўчада қонуний меҳнат қилаётган кишилар билан бир неча марта суҳбатлашдик. Уюшмамизга аъзо бўлишнинг афзалликлари тўғрисида тушуنча бердик. Биз уларнинг барчасини қонуний рўйхатга олиб, шартнома тузишга тайёр эмас. Аммо уларни бино билан таъминлашга имкониёти- миз етарли эмас.

— Ҳамид Олимжон кўчаси четда ишлаётган тадбиркор ва уста-хунармандлар фаолиятидан ҳокимнинг хабари бор, — дейди туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Учқун Амиров. — Ҳозир бу борада иш олиб борила- япти. Яқин вақт ичида тадбиркор ва уста-хунармандлар собик суд биносига жойлаштирилади. — Бу масаланинг ечими, аввало, тарғибот-ташвиқотга боғлиқ, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Санакул Хурсандов. — Ноқонуний фаолият юритаётган кишилар давлатимизнинг тадбиркор ва ишбилармонлар, уста-хунармандлар учун яратётган қўлайлик ва имтиёзлари ҳақида етарли тушунчарга эга эмас.

Шу ўринда савол туғилади: мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришда сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Мана шундай вазиятда туман партия ташкилотлари ва туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари худуднинг

ижтимоий-иқтисодий равнақига қандай хисса қўшяпти? Хусусан, кичик бизнес билан шуғулланувчилар ва ишбиланмонларни қўллаб-қувватлаш миқсод ва вазифаси деб билган ЎзЛиДеПнинг тумандаги мутасаддилари ҳамда депутатлик гуруҳи хизмат кўрсатувчи ва уста-хунармандларни йўналтираётган масалага ечим топиш бўйича қандай ташаббуслар билан чиқаяпти?

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи на бу, на бошқа масала бўйича бирон-бир ташаббус кўрсатган эмас. Туман Кенгаши сессияларида уларнинг саяъ-ҳаракати билан бирон масала кўриб чиқилмаган.

Партиямииз депутатлик гуруҳи эса йилнинг ўтган даври мобайнида туман Кенгаши сессиясига иккита масала киритган, холос. Гарчи уста-хунармандлар меҳнатини қонунийлаштириш, уларга етарли шароит яратишишга қўмақла- шиш партиямииз дастурий мақсадларига дахлдор бўлса-да, депутатлик гуруҳи бу масалага жиддий қарамаган.

Кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланаётганларни қўллаб-қувватлашда мамлакат раҳбари ташаббус кўрсатаётган бир пайтда, Пастдаргом туманидаги бу ишларга бевосита жавобгар шахслар, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари нега хотиржам юришибди? Кичик бизнес субъектлари учун етарли шароит яратишиш туман аҳли турмуши тўқислигига хизмат қилади-ку! Туманда маҳаллий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тури кўпайиши, сифати ошиши, ишлаш ва яшаш учун қўлай, қонуний муҳит яратиш масаласи депутатларни бевозта қилмайдими?

— Уста-хунармандлар меҳнатининг қонунийлигини таъминлаш туман партия кен-

гаши фаоллари доирасида бир неча марта муҳокама қилинди, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Ҳусниддин Шарипов. — Партиядошларимиз билан тумандаги 40 та маҳалладаги уста-хунармандлар фаолиятини ўргандик. Аниқлиништи, ўрганилган 40 та маҳаллада 204 нафар уста-хунарманд давлат рўйхатидан ўтмасдан ишляпти. Улар «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлса, меҳнат дафтарчаси юритилади, бундан ташқари, уста-хунармандларнинг пенсия жағғармасига маблағ тушишига имкон туғилади.

Энди ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик. Туманда 116 та маҳалла бор. Уларда қанча уста-хунарманд, тадбиркор ва ишбилармон ноқулай шароитда, айни пайтда, ноқонуний фаолият юритишмоқда?

Уста-хунармандларнинг фаолиятини давлат рўйхатига олиниши, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ўз-ўзидан уларни руҳлантирган бўлар эди. Бу — туманда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш салмоғи орттишида уста-хунармандлар хиссаси кўпайишига хизмат қилади. Ўз навбатида, уста-хунармандларнинг қонуний фаолиятдан олинган солик ва бошқа йиғимлар маҳаллий бюджетни мустаҳкамлашга улш қўшади.

Тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлайдиган дея бонг урадиган ЎзЛиДеПнинг тумандаги етакчилари, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ўз электорати вакилларига амалий ёрдам бериш ўрнига, нега томошабин бўлиб турибди?..

Эки улар хисобот бериш пайти келганда давлат дастури асосида ҳокимлик томони- дан амалга оширилган ишларга шериклик қилиш ҳақида йўлшаётганмикин?

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Навоий: УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

Мамлакатимизда 118 турдаги минерал хомашё бўлган икки мингта яқин кон ва мингдан зиёд истиқболли фойдали қазилмалар аниқланган, ҳозир уларнинг 66 таси иқтисодий-технологик кенг фойдаланилмоқда. Бу маъданларнинг аксарияти вилоят ҳудудида жойлашган. Улаштирилган. Яқин вақт ичида улар қаторига ёнвучи сланец кони ҳам қўшилиди...

Шу маънода, вилоят sanoat индустрияси тараққий топган ҳудуд ҳисобланади. Бугун бу заминда Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», «Навоий электрохимзаводи», «Навоий искилик электростанцияси» каби ўнлаб йirik sanoat корхоналари фаолият юритмоқда.

Эркин индустриал-иқтисодий зона ва «Навоий» халқаро аэропорти

Давлатимиз раҳбарининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида ҳали уч йил тўлган эмас. Аммо Навоий халқаро аэропорти ҳудудида кўламли ва беқиёс ишлар амалга оширилди. Бу эса вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб қолмай, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузил-

ўтган қисқа вақт ичида умумий қиймати 65 миллиард сўм бўлган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Сарфланган маблағлар ҳисобида «Навоий» ЭИИЗнинг маъмурий ва молиявий марказлари биноси, Е-40 халқаро автомагистралдан зона ҳудудига 2,2 километр тўрт йўлакли автомобиль йўли, Кармана туманидан ўтувчи темир йўл тармоғидан зона ҳудудига 4,7 километр темир йўл, икки тармоқли 2066 метрдан иборат 300 мм сув етказиш қувури, юқори тезликдаги телекоммуникация алоқаси, ҳудуд бўйлаб 9,6 километр узунликдаги девор, ташки ва ички инфратузилма тармоқлари, яъни газ, сув, электр тармоқлари ва каналзация ҳамда ички автомобиль йўлининг биринчи босқичи қуриб ишга туширилди.

Илгари бепоён чўл бўлган бу ҳудудда ҳозир 8 та корхона ишлаб турибди, шу тариха 260 нафар фуқаро янги иш ўрни билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-

Буларнинг барчаси аҳоли даромадлари ошиши ва уларнинг турмуш фаровонлиги янада юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, халқимиз ана шундай имкониятларга бой мамлакат, бебаҳо ва бетакрор заминда яшаб, меҳнат қилаётганидан ғоятда мамнун.

«Навоий» ЭИИЗда Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий Корея Республикаси, Сингапур ва Бирлашган Араб Амириклари инвесторлари биз билан ҳамкорлик қилмоқда. Йил якунига қадар яна олтига корхона ишга туширилади. Бу эса, ҳудудда қўшимча юзлаб янги иш ўринлари очилади, деган маъно аналтади.

Беқиёс ишлар, ўзгаришлар

Биласиз, Навоий шахрига ўтган асрнинг 58 йили пойдевор қўйилган. Аммо яқин-яқингача шахрнинг қоқ маркази қип-қизил сайхон ҳолича қолди. Давлатимиз раҳбари 1999 йилнинг декабрида улуг шоир таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан мана шу ерда «Алишер Навоий ҳазратларининг гўзал бир боғи яратилиб, зиёратгоҳга айлантирилса, бу жойда улуг шоирнинг музасам хайкали қўйилганга фахр ва ғурур бағишлаб турса, айти мударра бўлади», деган ташаббусни илгари сурди.

Бугун бу кўркам боғ шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Унинг сатҳи 126 гектар. Кириш дарвозасидан сўнг саҳн бошланади. Фавворалар қуршовадаги шоир хайкали 12,5 метр. Ям-яшил хибонлар оралаб кетган йўлаклар сизни сунъий кўлга олиб чиқади. Мутафаккир бобомиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Юлдузнинг туғилиши», «Ёшлик» ва «Донишмандлик» деб номланган обидалар туркуми, уларни чулғаб турган турфа хил фавворалар наинки шоир боғига жилаб бағишлайди, балки ёқимли ва салқин иқлим яратиб, сайроғоҳга тароват улашади. Шу боис, қачон қараманг, бу гўша зиёратчилар, айниқса, болалар билан гавжум. Қачон қараманг, ҳазрат хайкали пойи гулларига бурканган бўлади. Шоирнинг набиралари — келин-куёвлар тўй олдидан келиб зиёрат қилишади.

Боғ ичида 2400 ўринли «Амфитеатр», журналистлар учун «Матбуот уйи», тўққизта кўнгилоҳлар аттракцион қад ростлади. Шу билан бирга, Мустақиллигимизнинг йигирманчи йилида Ёшлар маркази, аквапарк, шаҳар ФХДё биноси, ёпиқ сув ҳавзаси ва яна кўпга савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилмоқда. Боғнинг биргина марказий куча бўйлаб кетган қисмида 24 та хилма-хил фаввора бўлиб, айниқса, тунда улар ўзгача жозоба касб этади...

Улуг мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий бобомизнинг таваллуд айёмини унинг номи билан аталган шу кўркам боғда маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилмоқда. Боғнинг биргина марказий куча бўйлаб кетган қисмида 24 та хилма-хил фаввора бўлиб, айниқса, тунда улар ўзгача жозоба касб этади...

Биз нима демоқчимиз? Мана шу жой олдин тап-тақир сайхон эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан у обод ва оромбахш маърифат мактабига айланди. Ҳа, вилоятда амалга оширилган кўпдан-кўп эзгу ишлар Президентимизнинг номи билан бе-восита боғлиқ. Хусусан, халқнинг маъ-

навий бойлиги бўлмиш муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва тарихий обидалар бугун янгича қиёфа касб этмоқда. Қосим Шайх мажмуаси, Маркратоб карвонсаройи, умуман, Кармана шахрининг тубдан қайта таъмирланиши, кўркам ва обод этилиши бунинг бир мисолидир.

Яқинда шундай эзгу иш Нурота шахрида қилинди. Қадимий Чашма зиёратгоҳи кенгайтирилиб, мажмуа тубдан қайта таъмирланди. Қадамжодаги «Чилистун» ва «Қўқумбаз» масжидлари ва бошқа иншоотлар реконструкция қилинган, ўзгача кўрк ва салобат касб этди.

Бу ерда зиёратгоҳга кириш саҳни ва музасам зиёратгоҳ барпо этилди. 64 метрлик миллий ўймакорлик услубида зийнатланган хос айвон қурилди. Йўллар ва кўчалар кенгайтирилиб, махсус дўконлар тизими яратилди. Бунинг учун 6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Албатта, кенг кўламли бу ишлар қадимий шаҳарга файз ва тароват бағишлади. Зиёратгоҳ эса обод ва гавжум жойга айланди.

Вилоятда 63 та тарихий аҳамиятга эга мезморий обида бўлса, уларнинг ҳар бири мана шундай эътиборда. Нимага деганда, ёш авлод бу жойларни кўрсин, тарихни билсин. Тарих ўзлигини англашда, дорил-омон бу қунарларни қадрига етишда катта сабоқдир.

Шунингдек, вилоятда ёш авлод соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Биргина «Баркамол авлод йили»да Кармана, Навбахор, Хатирчи, Томди, Учқудўк ва Қизилтепа туманлари туғуруқхона мажмуалари ва 46 та кишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Вилоят онкология диспансарида Япония давлати гранти лойиҳасига асосан 97,0 миң долларлик замонавий тиббий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Усмирлар диспансарида 168 миллион сўмлик флюороаппарат ишга туширилди.

Шунингдек, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жойи этиш, таълим муассасаларини ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш учун 18 та касб-хунар коллежи ва академик лицейлар ҳамда ўрта умумтаълим муассасалари ички имкониятлардан ташқари, Корея кредити жиҳозига 421,0 миллион сўмлик, Осиё тараққиёт банки кредити жиҳозидан 2216,0 миллион сўмлик, Япония кредити жиҳозидан 713,0 миллион сўмлик, Польша кредити жиҳозидан 560,0 миллион сўмлик, Германия кредити жиҳозидан 450,0 миллион сўмлик, жами 4,4 миллиард сўмлик жиҳозлар билан таъминланди. Имконияти чекланган ва уйда таълим олаётган юз нафарга яқин 5-9 синф ўқувчиларига хомийлар томонидан компьютерлар олиб берилди...

Биз тилга олган ишлар ва ўзгаришлар денгиздан томчи, холос. Йirik вилоят ҳаётини, ундаги ислохотларни бир мақолада қамраб олиш қийин. Шуниси муҳимки, вилоятда қайноқ ҳаёт нафаси кезади. Одамлар қуриш ва яратиш билан банд. Бу эса, шаҳар ва кишлоқларга файз ва тароват бағишламоқда, кишиларни янада беқиёс ишлар сари ундамоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,
Республика Маънавият тарбиёт маркази
Навоий вилоят бўлими раҳбари,
Қурбон ТУҲТАЕВ,
журналист.

Эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқаришни кенг кўламда ташкил этиш, айниқса, электротехника, машинасозлик, телекоммуникация, қурилиш, кимё sanoati, пластик маҳсулотлар, фармацевтика, мебелсозлик, парфюмерия sanoatини ривожлантириш мумкин...

мани ривожлантириш, замонавий юқори технологияларни ҳаётга жорий этиш, хорижий инвестициялар жалб қилиш уфқларини кенгайтирмоқда. Жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро тажрибада эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш нафақат сармояларни жалб этишда, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида самарали фойдаланилади. Халқаро ҳамжамият республикамизни ишончли инвестицион шерик сифатидагина эмас, айти пайтда инвестицион ва бошқа мажбуриятларни талаб даражасида бажарадиган собитқадам давлат деб билади. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари чет эллик ҳамкорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқаришни кенг кўламда ташкил этиш, айниқса, электротехника, машинасозлик, телекоммуникация, қурилиш, кимё sanoati, пластик маҳсулотлар, фармацевтика, мебелсозлик, парфюмерия sanoatини ривожлантириш мумкин...

Авалло, шунга айтиш керакки, янги sanoat ҳудуди учун Кармана туманидан 564 гектар ер ажратилди.

хунар коллежлари битирувчилари экани қувонарли, албатта. Ушбу корхоналар томонидан 2010 йилнинг сентябрь — 2011 йилнинг март ойларига жами 3731,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ўзбекнефтгаз» компанияси томонидан ишга туширилган «Шўртан полиэтилен қувурлари» шўбба корхонаси 1923,1 миллион сўмлик полиэтилен қувурлар, «Шўртан полипропилен қувурлари» шўбба корхонаси эса, 391,8 миллион сўмлик полипропилен қувурлар ишлаб чиқарди.

«Ўзавтосаноат» компанияси томонидан фойдаланишга топширилган «Ўзэрайкабел» корхонаси 526,2 миллион сўмлик 18 турдаги автомобиль симлари ишлаб чиқарган. Шунингдек, компанияга тегишли «ЎЗМиндга» корхонасида хориждан келтирилган деталлар асосида автомобильлар учун 400,0 миллион сўмлик компонентлар йиғилди. «Ўзэрайалтернат» корхонасида экспериментал тарзда автомобиль генераторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ўзкимёсаноат» компанияси томонидан фойдаланишга топширилган «Навоий — Бьюти Косметикс» корхонасида хориждан келтирилган ярим тайёр хомашёдан тажриба сифатида турли ҳажмдаги идишларда 2100 донна крем ва лосьонлар ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон Ахборот агентлиги томонидан фойдаланишга топширилган «Телеком Инновейшен» корхонаси томонидан 896 миллион сўмлик 4600 донна рангли телесигналлар қабул қилиш ускуналари тайёрланди. «Ўзмарказсаноат-экспорт» компанияси томонидан фойдаланишга топширилган «Агрофреш» корхонасида 400 тонна мева-сабзавот сақлашга олинди.

Шунингдек, қурилиш ишлари якунланган яна учта, яъни «Ўзбекнефтгаз»га қарашли газ ҳисоблагич ускуналари, «Ўзкимёсаноат» компаниясига қарашли санитария-гигиена воситалари ва подгузниклар ва «Ўзэлтханоат» уюшмасига қарашли LCD мониторлари ишлаб чиқариш лойиҳаларида жиҳозлар монтаж қилинмоқда.

Яқинда «Навоий» ЭИИЗда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмиталари «Ўзбекистон халқаро транспорт ҳуқуқи: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди. Унда сўзга чиққан Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик Фонди лойиҳа раҳбари Кристан Хук:

— Аввалдан Навоий вилояти ўзининг жуда кенг имкониятларга эга бўлган sanoati билан кўпчилик эътиборини торттиб келган, — дея таъкидлади. — Навоий халқаро аэропорти, Логистика марказининг ишга туширилиши, иқтисодий зона барпо этилиши унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада ошириб юборди.

— Иқтисодий зонада кўламли ишлар бошлаб юборилганини ўз қўлимиз билан кўрдик, — деди Рельзникерхен университетининг Халқаро бизнес ҳуқуқи ва қиёсий ҳуқуқ кафедрасининг профессори Андеас Мюшлх. — Бугун чет эл инвестицияси оқиб келаётган бу sanoat шахри ҳадемай нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг кўпга мамлакатлари тараққиётида салмоқли ўрин эгаллайди...

Шунингдек, жорий йилда Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Германия, Франция, Испания, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Сингапур, Бирлашган Араб Амириклари, Қатар, Яман каби қатор давлатлар компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига умумий қиймати қарий 100 миллион АҚШ доллари бўлган 20 га яқин лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилаётир...

Шунингдек, эркин индустриал-иқтисодий зона ёнида «Навоий» аэропортида модернизация ишлари амалга оширилиб, унга Халқаро аэропорт мақоми берилгани кенг имкониятлар ашигини очди. Айниқса, 2010 йилнинг 28 августидан бир кеча-кундузда 300 тонна юкни қабул қилиш қувватига эга, халқаро андозаларга мос юк тер-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Спорт

Таътил самарали ўтмоқда

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларнинг сафини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Термиз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида олти юздан зиёд ўғил-қиз волейбол, футбол, теннис, стол тенниси, кураш, белбоғли кураш, бадиий гимнастика каби спорт турлари билан мунтазам шугулланади. Уларга 22 малакали мураббий спорт сирларини ўргатаётир. Аини кунларда бу спорт маскани янада гавжумлашган. Бу ерда болалар ёзги таътилни самарали ўтказиб, ўз маҳоратини оширтурлади.

Улар орасида «Жаҳоннинг энг кучли каноэчиси», икки карра жаҳон чемпиони



Ўзбекистонга ғалаба билан қайтамиз

Венгриянинг Сегед шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионати бошланди. Унда жаҳон чемпиони совриндорларидан ташқари «Лондон олимпиадаси — 2012» йўлланмалари эгалари ҳам аниқланади.

Мусобақаларда 12 нафар спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Вадим Меньков, Осие уйинлари ва Жаҳон кубоги совриндорлари Серик Мирбеков, Сергей Борзов, Юлия Борзова каби таниқли эшак эшиш усталаримиз бор.

Эслатиб ўтамиз, «Лондон олимпиадаси — 2012» йўлланмаларига эгалик қилиш учун жаҳон чемпионатида байдаркачилар кучли ўнликка, каноэчилар кучли еттиликка киришлари талаб этилади. Бу вазифани спортчиларимиз шараф билан урдалашига ишонамиз.

«Пойтахт кубоги»

Тошкентда шохмот бўйича «Пойтахт кубоги» III халқаро мусобақаси ниҳоясига етди.

Швейцарча тизимда ташкил этилган мусобақаларда юртимиз шохмотчилари билан бир қаторда кўшни давлатлардан келган, жами 62 нафар қатнашчи дона сурди. Мусобақада тошкентлик Улуғбек Тиллаев 9 имкониятдан 9 очко тўплаган ҳолда ғолиб чиқди. Еттиданан

очко жамғарган Элбек Аликулов (Тошкент) ва Инъомжон Шоймуродов (Сурхондарё) 2-3 ўринларни бўлишиб оlishди. Совриндор ва турли номинация эгаларига Ўзбекистон шохмот федерацияси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Кортларда олтин копток жилоси

Қашида теннис бўйича чекленжур туркумига кирувчи мусобақа давом этапти.

Қақшадарёлик теннис мухлислари ўндан зиёд давлатдан келган ракетка усталарининг маҳоратидан баҳраманд бўлишмоқда. Улар орасида юртимизнинг етакчи теннисчилари — Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятлов ва Неймат Шойфайзиев ҳам бор. Яқинда Самарқандда яқунланган чекленжур мусобақасида ғолиб чиққан Истоминнинг шашти баланд. У Қарши кортларида дастлабки ғалабани қўлга кириштириб, иккинчи босқичга йўланма олади. Мусобақа ғолиби ҳафта якунида аниқланади.

Асрор МҮМИН



Хориж

Европа давлатлари орасида

Ёшлар ишсизлиги кўрсаткичи Германияда анча паст

15 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар орасида ишсизлик Германияда Европа Иттифоқида аъзо бошқа давлатлар ичида анчагина паст кўрсаткичда экан.

Германия федерал статистика муассасаси манбаларига асосланиб «France Presse» АА хабар тарқатишича, жорий йилнинг июнь ойида 430 минг нафар ёш ишсизлик мақомига эга бўлган. Бу мамлакатдаги 15 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар умумий сонининг 9,1 фоизига тенгдир. Австрияда бу кўрсаткич 8,2, Нидерландияда 7,1 фоизни ташкил этади. Умуман, Европада бу кўрсаткич 20,5 фоизга тенг.



Энг кўп ёшлар ишсизлиги Испанияда кузатишмоқда. Бу ерда ҳар икки ёшнинг бири ишсиздир. Бу 45,7 фоизга тенг, деган гап. Грецияда эса бу рақам 38,5 фоизнинг нари-берисида турибди.

Лекин Германия ёшлари орасида ишсизлик жаҳон иқтисодий инқирозидан давридагига қараганда анча камайган — 2008 йилда 10,7 фоизни ташкил этган бўлса, иқтисодий инқироз авж олган 2009 йилда 11,5 фоизга етган. Бугунги кунда эса бу кўрсаткич анча паст.

Тўйга келмагани учун

келин жаримага тортилди

Тайван суди тўй куни тантана маросимига келмагани учун келинга нисбатан 250 минг Тайван доллари (8,6 минг АҚШ доллари) миқдорига жарима жазоси белгилади.



ролини ўйнаб беришини илтимос қилди. Ахир шунча ноз-неъматлар уюл бўлади, меҳмонларни нима деб жўнатади?

Кўёвнинг вазиятини тушунган келиннинг дугониси кўёвнинг илтимосига йўқ дея олмади. Тақдирни қарангки, тўй маросимида бу икки ёш бир-бирини севиб қолди ва тўй тугагач, расмий никоҳдан ўтишди.

Аммо кўёвнинг дили қаттиқ оғриган, шекилли, тўй маросимига келмаган ҳақиқий келинни судга берди. Ундан маънавий зарар ҳамда тўйнинг ташкилий харажатларини ундириш учун бир миллион Тайван доллари миқдорига маблағ ундирилишини талаб қилди. Бу талаб бир неча суд инстанциясида бир неча бор кўриб чиқилди ва охир оқибат 250 минг Тайван доллари миқдорига жарима ундириладиган бўлди.

Огоҳлик — давр талаби

Маънавий камолот

тараққиётнинг муҳим омили

Бир неча ой муқаддам АҚШда ёшлар ўртасида: «Ватан, ватанпарварлик деганда нимани тушунаси?» — деган савол билан ижтимоий тадқиқот ўтказилганида 75 фоиз респондентлар: «Менга қаер яхши бўлса, ўша жой мен учун ватан», — деб жавоб берди. Бу эса мамлакат олимлари ва сиёсатшуносларини жиддий ташвишга солмоқда.

Улар бу муаммонинг илдинини сўнгги йилларда АҚШ ва Фарб жамиятида «Оммавий маданият» ниқобидаги ғайриахлоқий қарашлар, сайёравий фуқароликни тарғиб қиладиган, инсонларни ватанпарварлик туйғусидан воз кечишга ундайдиган «космополитизм» ғояларининг тобора кенг ўрин олаётгани билан боғламоқда.

Хусусан, америкалик сиёсатшунос Ж. Бьюкенен ўзининг «Фарбнинг ҳалокати» номли китобида юзага келган вазиятни чуқур таҳлил этар экан, унинг сабабларини, маданиятнинг емирилаётгани, азалий урф-одат, асрий қадриятларнинг йўқолаётгани, топталаётгани, бир сўз билан айтганда, маънавиятга эътиборсизлик билан изоҳлайди. Бу ишларнинг бошида турган кучларни эса «маънавият инквизиторлари» деб атади.

Артур Шлиенгернинг «Американинг тарқоқлиги» асарида бу борада шундай фикр келтирилган: «Халқни йўқ қилиш йўлидаги дастлабки қадам қўйилди — уни хотирасидан жудо қилиш бошланди. Кейин эса китоблари, маданияти, тарихи йўқ қилинади. Сўнгра кимдандир янги китобларни ёзиш, янги

маданият ва тарихни ўйлаб топишни илтимос қилсангиз бас, халқ аста-секин ўзлигини, кимларнинг авлоди эканлигини унутади».

Ҳозирги кунда миллат маънавиятига раҳна солишга, уни ўзлигидан маҳрум этишга «космополитизм» таълимоти ҳам ўз «ҳисса»сини қўшмоқда. Бу сўз лотинчада «дунё фуқароси» деган маъно англатади. Унинг асосий мақсади — миллийлик эмас, сайёравий фуқароликни тарғиб қилиш. Космополитизм XX асрнинг иккинчи ярмига келиб кескин характер касб этди ва капиталнинг даромад ортидан қувийш манфаатларини акс эттира бошлади. Жумладан, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Америкада «Тинчлик корпуси» ташкил этилиб, дунёнинг турли минтақаларига бу ташкилотнинг ёш ходимлари юборилди. Уларнинг мақсади ер юзидagi барча халқларга инглиз тилини ўргатиш эди. Бу ҳам космополитизмнинг бир кўриниши бўлиб, миллий тилларни йўқолиб кетишига, қадриятлар, маънавий ва маданий мероснинг, Ер юзидagi миллий ва генетик фонднинг қашшоқлашувига олиб келади.

Шу ўринда бу каби мафкуравий хуружлар мамлакатимиз ёшларининг қалби ва онига қанчалик таъсир ўтказмоқда, деган ҳақиқат савол туғилади. Яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази шунга ўхшаш мавзуда тадқиқот ўтказди. Унда иштирок этган ёш йигит-қизларимиз Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш (социологик тадқиқотларда қатнашган ёшларнинг 53,5 фоизи шу фикрга алоҳида

тўхталган) ва уни кўз қорачигидек асраш (51,9 фоиз) сингари бераҳо тушунчалар уларнинг ҳаётида бекиёс аҳамият касб этишини ғурур билан таъкидлашган.

Қиёсий таҳлил натижалари ёшларимизда она Ватанга содиқлик ҳисси йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўрсатди. Жумладан, 2005 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳулосасига кўра ёшларимизнинг 72,3 фоизи Ўзбекистоннинг чинакам фидойи фарзандлари эканлигидан фахрланишларини маълум қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 76,7 фоизни ташкил этди.

Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Зеро, глобаллашув ва ахборот алмашинуви даврида маънавиятга бўлган таҳдидларнинг хатарли оқибатларини олдиндан чуқур идрок этган Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида, энг аввало, миллат маънавиятини юксалтириш, уни иқтисодиёт ва сиёсат билан уйғун ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. «Ўзбек модели»нинг қуввати, мазмун-моҳияти ва бутун дунёда этароф этилиши замирида ҳам шу тасмийил муҳассам.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган изчил ислохотлар, маънавий юксалиш йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар натижасида бугун ёшларимизда аждоқлар руҳи ва меросини ҳурмат қилиш, она Ватан ҳамда миллат манфаатларини ҳар нарсадан устун қўя билиш каби мафкуравий иммунитет тобора қарор топмоқда. Бирок доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни бир зум бўлса-да, тўхтатмаслигимиз лозим. Шундагина қулай фурсат келишини пойлайдиган баъзи бир кучларнинг ғаразли мақсадлари юзага қалқиб чиқишига имкон қолмайди.

Мансур АМИНОВ

Бунёдкорлик

Муносиб совға

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида Саросиёда ўнга яқин янги иншоот фойдаланишга топширилади

— Истиклол айёмига кишиларимиз ўзгача тайёргарлик кўрмоқда, — дейди Саросиё тумани ҳокими, сенатор Нормўмин Чориев. — Бугун барча соҳаларда ўсиш-ўлғайишни қузатиш мумкин. Байрам арафасида ўндан ортиқ янги иншоотлар фойдаланишга топширилиши бунинг бир мисолидир. Яна талай корхона ва муассасаларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади. Бир сўз билан айтганда, жорий йилнинг сўнгги чорагида мингга яқин янги иш ўрни очилади...

Туман марказидан 20 километр олисда жойлашган «Хуфар» қишлоғида 5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга қулай бўлсин деб ҳозир бу ерда қишлоқ врачлик пункти бунёд этилмоқда. Қарийиб 235 миллион сўмга қад ростлаётган тиббий муассаса ишга тушгач, ўнга яқин янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли «Пахтакор» маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 1856,2 миллион сўмлик Болалар мусиқа ва санъат мактаби, сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётган 29-, 66- мактаблар ҳам айём кунлари ўқувчиларни бағрига олади.

Туманда чегара ҳудуди аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, кенг ва раван йўллар бунёд этишга ҳам эътибор катта. Манзилли Дастурга асосан, Шарғун шаҳридаги маҳаллага ер ости қудуғи қазииш 72н, 108 миллион сўм, «Хур Ватан»га эса 71 миллион сўм ажратилди. Тумандаги «Бўйрапўш» шаҳарчасидаги 5,3 километр йўл кенг ва раван қилиб таъмирланди. «Қорасув», «Шоҳқишлоқ» маҳаллаларида умумий узунлиги 5 километрга яқин йўлларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 18-19.08. 2011

Table with columns for location, today's temperature, and tomorrow's temperature. Locations include Toshkent, Samarqand, Nukus, Karshi, Urganch, Navoiy, Farg'ona, Bukhoro, Andijon, Namangan, Termez, Jizzax, Gulistan, Toshkent vil., London, Parij, Moskva, Madridd, Pekin, Gongkong, Rim, Anqara, Tokio, Stokgol'm, Kiyptau, Qo'xira, Gavana, Vashington.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган «LYUKON A'LO SERVICE» хусусий корхонаси (ИНН: 301185520, ОКОНХ — 71300).

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Телефон: 110-48-87

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Kotibiyat. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. F — 846, 10895 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2000-7633